## ҚОРА ХОЛИНГГА БАХШ ЭТГУМ...

Олимларнинг хулосалари умуман кутилмаган ҳолдан далолат бермоқда, чунки шу пайтгача киши баданида холларнинг кўплиги унинг терисининг меланомага, яъни тери саратонига мойилликдан далолат беради, деб ҳисобланар эди...

7 бет

## ТАЪМАГИР СОЛИҚЧИ

Ҳужжатларга бир сидра кўз югуртирган йигирма тўрт яшар солиқчини балои нафс аталмиш иблис йўлдан урди. «Пашшадан фил ясаб, дилига ваҳима солиб қўйсанг, содда фермерни ноғорангга ўйнатаверасан».

10 бет

Mustaqillik huquq demakdir

# Huquq

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan   www.huquq-gazeta.uz   2009-yil 14-may, № 20 (645)



## Фахрийларимиз эъзозда

Қарияларни, устозларни улуғлаш миллатимизга хос бўлган одат, қадриятларимиз ва маънавиятимизнинг ҳосиласи, ажралмас қисмидир.

Ўзининг бутун ҳаётини, навқирон ёшлигининг куч-ғайрати ва ақл-идрокини қонун устуворлиги, халқимизнинг осойишталигини таъминлаш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бузилган ҳуқуқларини тиклаш, содир этилган бирорта жиноят ҳам жазосиз қолмаслигига эришишдек машаққатли ҳамда шарафли касбга, яъни, прокуратура органларига бағишлаган фахрийларимиз муносиб иззат ва ҳурматга лойиқдирлар.

Буни яхши англаган Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари раҳбарияти прокуратура органларида ишлаб, нафақага чиққан фахрийларимизнинг иззат-ҳурматини жойига қўйиш, уларни эъзозлаш ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб боришга доимий эътибор қаратиб келмоқда. Зеро, фахрийларга нисбатан бундай муносабат нафақат уларнинг ўзларини ҳурматлаш, балки прокуратура органларида меҳнат қилаётган ҳар бир ходимнинг ўз касбини улуғлаш ва садоқатли бўлишларида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

2002 йилда Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик Маркази ташкил этилган бўлиб, у ўтган йиллар давомида том маънода фахрийларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш Марказига айланди ҳамда бу борада жуда кўп ижобий, олижаноб тадбирларни амалга оширди. Бугунги кунда барча вилоятлар ва уларга тенглаштирилган прокуратура органларида шундай Марказлар фаолият кўрсатаётган бўлиб, прокуратура органларининг нафақага чиққан ҳар бир ходими уларнинг фаолият доирасига олинган.

Жумладан, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоят прокуратура органларида ҳам фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик Марказлари фаолият кўрсатаётган бўлиб, нафақадаги барча фахрийларни бирлаштирган.

Шу йилнинг 7 май куни, яъни барчамиз учун улуғ бўлган «Хотира ва қадрлаш куни» арафасида Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоят прокуратура органларининг фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик Марказлари янги қуриб битказилган бинога кўчиб ўтди.

Марказнинг янги биносида фахрийларимиз мунтазам йиғилиб, чин дилдан суҳбат қуришлари, вақтларини мазмунли ва мароқли ўтказишлари, зарур ҳолларда ўзларининг бой тажрибаларини ёшларимизга ўргатишлари учун барча шарт-шароит ҳамда қулайликлар яратилган.

**Равшан ҲАКИМОВ,**
**Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи**

## УЧРАШУВ БЎЛИБ ЎТДИ

Кеча Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари тингловчилари ва прокуратура фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази фахрийлари учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувга қонунчиликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши кураш ҳамда давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш борасида самарали фаолият юритган, кўп йиллик соҳавий тажрибага эга бўлган прокуратура фахрийлари Э.Азимов ва Т.Шипиловалар ташриф буюрдилар.

Прокуратура тизимида 35 йил самарали меҳнат қилган Э.Азимов Фарғона ва Тошкент вилоятлари ҳамда Республика Бош прокуратурасида турли лавозимларда хизмат қилди. Унинг прокуратура тизимидаги фидокорона меҳнатлари муносиб баҳоланиб, Президентимизнинг 1997 йил 27 августдаги фармонига асосан «Жасорат» медали билан мукофотланди. Шунингдек, республика ва вилоят прокурорларининг тегишли буйруқлари билан бир неча бор рағбатлантирилган.

Худди шундай Тамара Шипилова ҳам суд ва прокуратура тизимида 38 йиллик шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди. У ўз касбига виждонан ёндашиб, жамоада ҳурмат-эътибор қозонди. Иш фаолияти даврида прокуратура раҳбарияти томонидан кўп бор рағбатлантирилди, «Прокуратура фахрий ходими» кўкрак нишони билан тақдирланди.

Ана шундай ҳаёт йўлини босиб ўтган инсонларнинг суҳбати ҳам тингловчиларнинг келгуси фаолиятларида муҳим аҳамият касб этади десак муболаға бўлмайди. Улар қонунийликни таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш, жиноятчиликни олдини олиш ва фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда оттирган катта тажрибаларини тингловчиларга гапириб бердилар. Учрашув қизиқарли тарзда давом этди.

**Ф.ШОДМАНОВ,**
**Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари бошлиғининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари**

## САРҲАДЛАРИМИЗ ҲИМОЯСИ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 3-моддасида: «Ўзбекистоннинг давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз ва бўлинмасдир», деб белгилаб қўйилган. Шундай экан, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси давлатимиз чегаралари дахлсизлигини таъминлаш ва уни қўриқлашга масъулдир. Ҳар биримиз халқимиз ва мамлакатимиз хавфсизлигига нисбатан турли таҳдидлар, хатарларга қарши курашни кучайтиришга, юртимиз ва минтақадаги барқарорликни мустаҳкамлашга ўз фуқаролик ҳиссамизни қўшишимиз лозим.

Бу масъулиятни ҳис қилиш, аввалонбор, давлатимиз чегаралари дахлсизлигини таъминлаш ва уни қўриқлаш тартибларини белгиловчи қоидаларга қатъий амал қилишимизда намоён бўлади. Айниқса, давлат чегаралари ҳудудида яшовчи фуқаролар бу борада сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаётган чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиларига яқиндан кўмак бериши ва амалий ҳамкорлик ўрнатиши мақсадга мувофиқдир. Чунки чегара қўшинларида хизмат қилаётган аскар бўладими, сержант ёки офицер бўладими, уларнинг асосий мақсади сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш, уларни қўриқлаш ва осойишта яшашимиз, тинч ва фаровон ҳаёт кечиришимизни кафолатлашга қаратилган.

Маълумки, давлатимизда «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида»ги қонун қабул қилинган бўлиб, мазкур муҳим ҳужжат давлат чегарасини белгилаш, ўзгартириш, ҳимоя қилиш ва қўриқлаш тадбирларини, уларнинг молиявий ҳамда моддий-техникавий таъминотини, давлат чегараси режимини белгилашни, давлат чегараси орқали шахслар, транспорт воситаларини ўтказиш ҳамда товарлар, бошқа мол-мулк ва ҳайвонларни олиб ўтиш кабиларни тартибга солади.

Шуни таъкидлаш лозимки, фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси чегара зонасига кириши ва уларда яшаш қоидаларини бузиши, давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларидаги режимни бузиши маъмурий жавобгарликни келтириб чиқарса, қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 224-моддаси биринчи қисмида чегара зонасига, шунингдек фуқароларнинг кириши ва яшашига вақтинча чеклов белгиланган жойларда тегишли қоидаларни бузиш, энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши белгиланган.

Шунингдек, мазкур Кодекснинг $224^1$-моддаси биринчи қисмига кўра Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларидаги режимни бузиш, яъни шахслар ва транспорт воситаларини ўтказиш пунктларида бўлиши ҳамда ҳаракатланиши тартибига риоя этмаслик, шахсларнинг ўтказиш пунктларидаги тақиқланган жойларга ва транспорт воситаларига ғайриқонуний кириши, фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Президентимиз Ислом Каримов «Юксак маънавият — енгилмас куч» номли асарида: «Биз бутун маърифатли дунё, халқаро ҳамжамият билан тинч-тотув, эркин ва фаровон ҳаёт кечириш, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш тарафдоримиз. Биз учун шундай йўл маъқул ва унинг бошқа муқобили йўқ... Ҳаммамиз яхши биламизки, ҳар қайси давлатнинг чегараларини дахлсиз сақлашда ҳарбий куч-қудрат, қуролли кучлар сув билан ҳаводек зарур. Аммо халқимиз, авваламбор, ёш авлодимиз маънавий оламининг дахлсизлигини асраш учун биз нималарга таяниб-суяниб иш олиб боришимиз керак, деган савол бугун барчамизни ўйлантириши табиий...

Тобора кучайиб бораётган бундай хатарларга қарши доимо сергак, огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшашимиз зарур. Бундай таҳдидларга қарши ҳар томонлама чуқур ўйланган, пухта илмий асосда ташкил этилган, мунтазам ва узлуксиз равишда олиб бориладиган маънавий тарбия билан жавоб бериш мумкин. Барчамизга аён бўлиши керакки, қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ва аксинча, қаерда ҳушёрлик ва жонкуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади», деган фикрларини келтириб ўтадилар.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бепарволик ва лоқайдликка берилмаслигимиз, қонунларимизга амал қилган ҳолда мамлакатимиз равнақи учун ҳисса қўшишимиз, бу борада фарзандларимизни ҳам юксак маънавият эгалари қилиб тарбиялашимиз, уларда Ватани ва халқига садоқат туйғуларини шакллантиришимиз лозим.

Айрим ҳолларда фуқароларимиз хуфёна бойлик орттириш мақсадида давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларидаги режимни бузиш ёки чегара тўсиқларидан ғайриқонуний ўтиш орқали товар-моддий бойликларини республикамиздан қўшни давлатларга олиб чиқиш ёки давлатимизга олиб киришга ҳаракат қилишади. Бироқ улар ўзларининг бу ғаразли ҳаракатлари билан республикамизга сифатсиз товар ва маҳсулотларни олиб киришаётганлигини, бу билан нафақат амалдаги қонунларимизни, балки ўзларига ўхшаган фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳам бузишаётганини, республикамиз иқтисодиётига зарар келтиришаётганини англаб етишмайди.

Президентимиз Қуролли Кучларимизнинг 17 йиллик байрамига бағишланган мурожаатида миллий армиямиз салоҳияти ва куч-қудратини янада юксалтириш борасида муҳим аҳамият касб этадиган вазифаларни белгилаб бердилар.

(Давоми 2-бетда).

**Шуҳрат УЗАКОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари — Республика ҳарбий прокурори**

# САРҲАДЛАРИМИЗ ҲИМОЯСИ ЙЎЛИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шулардан бири ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-руҳий, сиёсий тайёргарлигини янада такомиллаштириш, барча бўғиндаги командирларнинг фаолияти офицерлар, сержантлар ва аскарларда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни тарбиялаш, фаол ҳаётий позиция ҳамда ватанпарварлик, мамлакат тақдири учун масъулият ҳисси билан яшаш, юртимиз мустақиллиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш туйғусини янада кучайтиришга қаратилиши лозимлиги таъкидланган. Мазкур вазифа ўз навбатида армиямизда, шу жумладан, давлатимиз сарҳадлари ва чегарамиз хавфсизлигини таъминлаётган чегара қўшинларида ҳарбий интизомни юксак савияга кўтаришни, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш чораларини кўришни тақозо этади.

Қуролли Кучларда қонунийликни таъминлаш — давлат органлари, Қуролли Кучларнинг барча тузилмалари, ҳарбий мансабдор шахслар ва барча ҳарбийлар ҳамда хизматчиларнинг қонунлар ва уларга мувофиқ чиқарилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга оғишмай амал қилишидир. Қуролли Кучларда қонун ва қонунга асосланган ҳужжатларга тўла риоя этилишини таъминловчи восита ва шароитлар қонунийликнинг кафолатлари ҳисобланади. Бундай кафолатларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ташкилий, мафкуравий, махсус юридик жиҳатлари бор.

Қуролли Кучларимизда қонун ва қонунга асосланган ҳужжатларни татбиқ этиш ва уларнинг назоратини таъминловчи самарали механизмнинг мавжудлиги қонунийликнинг ташкилий кафолатидан дарак берса, ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий онги даражаси, ахлоқий тарбияси қонунийликнинг мафкуравий кафолати ҳисобланади. Қонунийликнинг таъминланиши учун амалдаги қонунчиликда мавжуд бўлган усул ва воситалар махсус юридик кафолат вазифасини бажаради.

Шундай экан, сарҳадларимизни ҳимоя қилаётган оддий аскардан то офицерга қадар ўз бурчларини виждонан бажаришлари, хизмат вазифаларини юксак қадрият деб билиб, чегараларимиз дахлсизлигига хавф туғдирувчи омилларга ёки чегара тизимида ўрнатилган тартиб-қоида ва қонунларимизнинг ҳар қандай кўринишдаги бузилишига муросасиз бўлишлари лозим.

Қолаверса, ҳар биримиз мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлигини, унинг ҳудудий яхлитлигини, чегараларимиз дахлсизлигини, тинч ва осойишта ҳаётимизни таъминлашда ўз ҳиссамизни қўшишимиз ҳам қарз, ҳам фарздир.

# АЛДАГАНИ БОЛА ЯХШИМИ?

Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ҳуқуқий тарғиботнинг самарадорлигини ошириш борасида олиб борилаётган кенг кўламли тадбирлар натижасида фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлик даражаси ортиб бормоқда. Ҳуқуқни муҳофаза этувчи органларнинг қонунийликни таъминлаш борасидаги фаолияти ва тарғибот-ташвиқот тадбирлари натижасида мамлакатимизда инсон шаъни, қадр-қиммати сўзсиз ҳимоя қилинишига ишонч пайдо бўлди. Фуқароларда қонунларга фаол мурожаат қилиш ва ҳуқуқий нормаларни тушуниш малакаси шаклланаяпти. Буни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга келиб тушаётган ариза, шикоят ва таклифларнинг мундарижасидан ҳам билиб олиш мумкин.

Кейинги пайтларда одам савдоси жиноятидан жабрланган шахслар томонидан келиб тушган мурожаатлар туман прокуратураси томонидан атрофлича ўрганилиб, тегишли қарорлар қабул қилинмоқда. Яқинда жиноят ишлари бўйича Қўшкўпир туман судида одам савдоси билан боғлиқ жиноят иши кўриб чиқилди. Ўндан зиёд жабрланувчилар Одилбек Рўзметов уларни ўзга юртларда сарсон-саргардон қилгани, яъни яхши иш ҳақи ваъда қилиш эвазига алдаб қонуний ҳуқуқларини поймол этганини билдиришди. Уларнинг аксарияти воя етмаганлиги янада ачинарлидир.

Хусусан, 1990 йил туғилган Мирсаид Эрметов ва 1991 йилда туғилган Тўлибой Жуманиёзовларни «ойига 30.000 қозоқ тангасидан иш ҳақи оласизлар, иш шароитлари яхши» дея алдов йўли билан ёллаб, паспортларини олиб қўйиб Қозоғистоннинг Тараз шаҳрига олиб борган. У ерда ўсмирлар оғир ишларда ишлашга мажбур бўлишган. Бироқ 2008 йил 7 февралдан июнь ойигача қилган меҳнатлари эвазига келишувга мувофиқ олишлари лозим бўлган иш ҳақларини олишолмаган.

Вояга етмаган фуқаролар Миржалол Эрметов, Дилмурод Бобожонов, Арслон Жуманиёзов ва бошқалар ҳам Одилбек Рўзметовнинг алдови туфайли оғир ишларда ишлашга мажбур бўлишганини, ҳақларини эса олишолмаганини айтишди. Янада ачинарлиси, жабрдийдаларнинг биронтаси Одилбекка бегона эмас. Бири қўшниси, бири жияни.

Шахсий манфаатлари йўлида фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини таҳқирлаган О. Рўзметов суд ҳукми билан жиноий жавобгарликка тортилди.

Айрим юртдошларимиз кўп пул топиш илинжида чет элларга боришни лозим топишади. Баъзи учарларнинг катта миқдорда иш ҳақи ваъда қилишларига учиб, одам савдоси жиноятининг жабрланувчисига айланиб қолишмоқда. Назаримда, чет элга ишлаш учун кетишдан олдин, ҳар бир ҳудуддаги маҳалла маслаҳатчилари ёки аҳолини иш билан таъминлаш марказларига мурожаат қилиш мақсадга мувофиқ. Улар бўш иш ўринларини таклиф қилиши баробарида хорижда ишлашнинг қонуний йўл-йўриқлари хусусида тавсиялар беришади. Одам савдосидан жабрланмаслик учун қонунларни билиш ва хорижга тегишли тартибда ҳужжатларни расмийлаштирган ҳолда чиқиш керак бўлади.

Аслида ҳалол меҳнат қилиб, рўзғор тебратаман деган одам учун мамлакатимизда зарур шарт-шароитлар яратилган. Шундай экан, айрим кимсаларнинг ширин алдовига учиб, бегона юртларда сарсон-саргардон бўлгандан кўра ўз юртимизда меҳнат қилиб, борига шукр қилиб яшаган маъқул эмасми?

**Машарип САПАРОВ,**
**Қўшкўпир туман прокурори**

# ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, «МОРС»!

Абдурасул содда, анойи йигитлардан эмас. Шунинг учун ҳам 1996 йилда «ANAND-TOY» номли МЧЖ очиб, улгуржи савдо билан шуғуллана бошлади. Гоҳ «ўхшаб», гоҳида эса «ўхшамай» фаолият юритаётган кунлардан бирида хаёлига бир фикр келиб қолди. «Аҳир юртимиз нисбатан иссиқ ўлка ҳисобланади. Баҳорнинг сўнгги ойларидан бошлаб, кунлар исигач, чанқовбости ичимликларга талаб кучаяди. Бундан фойдаланиш шарт!»

Хуллас, ўтган йилнинг эрта баҳорида бир цехни ижарага олди. Уч-тўрт киши билан меҳнат шартномаси тузиб, «морс» ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Бунинг учун иккита 900 литрлик автоцистерна ҳам сотиб олди. Илк маҳсулот ишлаб чиқаргач, юқорида зикр этилган шахслар орқали сотувни йўлга қўйди. Айтмоқчи, Абдурасул фаолият юритиш учун тегишли ҳужжатлар ҳам керак бўлишини яхши биларди. Шундай бўлса-да, у кўп ўйлаб ўтирмай, апрель ойининг охирида Тошкент вилояти санэпиднадзорат марказининг гигиеник сертификатини ҳамда «Давлатстандартлаш» бошқармаси қошидаги «Тиб Стандарт Сервис» МЧЖнинг сифат сертификатини аслидан фарқ қилмайдиган қилиб тайёрлатиб олди. Тез орада ўзининг автоцистернасига эга бўлган «тадбиркор»лар ҳам унинг цехига келиб, 150 минг сўм эвазига «морс» қуйдириб кетадиган бўлишди. Абдурасул эса тегишли «сертификат»ларга МЧЖнинг муҳрини босиб беришни унутмади. Шундай кунлардан бирида эски таниши Сирожиддин қўнғироқ қилиб қолди. Абдурасулнинг ишлари юришиб кетганлигини эшитиб, ҳамкорликни таклиф қилди. Бошланишига 450 литр «морс» қуйдириб, бир аёлни сотиш учун ёллади. Уч-тўрт кундан кейин Абдурасул унга шаҳар ҳокими томонидан тасдиқланган «кўчма майда чакана савдо шахобчасини вақтинча жойлаштириш» дислокациясининг нусхасини бериб кетди. Бу ҳужжат ҳам интернет кафенинг маҳсули бўлиб, ҳақиқийсидан фарқ қилмасди.

Аввалига «тадбиркор»ларнинг ишлари юришиб турди. Озгина вақт ичида 2 млн. 500 минг сўмлик савдо қилишди. Аммо «кўза кунда эмас, кунида синади» деганларидек, кунлардан бирида уларнинг фаолиятига «кўз» тегди. Бу ишни эса Давлат санэпиднадзорат маркази ходимлари уддалашди. Текшириш давомида тақдим этилган ҳужжатларнинг барчаси қалбаки эканлиги маълум бўлди.

Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, Абдурасул Мусахонов билан унинг шериги Сирожиддин Ибрагимов қилмишларига яраша жазога тортилдилар.

Дарҳақиқат, саноқли кунлардан кейин баҳор ҳам ўтиб, ёзнинг жазирамаси бошланади. Ҳамма ўзини соя-салқинга уради. Шундай кезларда албатта, салқин, чанқовбосди ичимликлар жоннинг роҳатига айланади. Бироқ, тегишли ҳужжатларсиз, ишлаб чиқарилишининг тайини йўқ ичимликларнинг сифатига ким кафолат беради? Қолаверса, айнан ёз ойида маҳсулотларнинг тез бузилишини-ю турли касалликларни келтириб чиқаришини ҳамма билади-ку! Нима бўлганда ҳам арзимаган даромадни деб, юзлаб фуқароларнинг соғлиғини хатарга қўйиш виждонли кишиларнинг иши эмас.

**Фарҳод БОБОНИЁЗОВ,**
**Тошкент шаҳар прокуратураси АМИБ терговчиси**

# Қонунни четлаб...

Инсон фарзанди ҳамиша бир-бирига суяниб яшайди. Бир ишнинг бошини тутишдан олдин яқинлари ёхуд ёши улуғлар билан маслаҳатлашади. Балки халқимизнинг «Маслаҳатли тўй тарқамас» деган нақли ҳам шунга ишорадир.

Бухоро шаҳрилик Баҳодир Рўзиев ҳам анча-мунча ишни уддалай оладиган йигитлардан саналарди. Ўрта маълумотли, оилали, икки нафар фарзанди бор. У анчадан бери бирор корхона очиб, астойдил ишлашни дилига тугиб юрганди. Бир куни опаси Мақсудага дилидаги гапини айтди.

— Опа, мен бир кичик корхона очмоқчиман. Сиз олий маълумотли иқтисодчисиз. Бегонадан кўра ҳисоб-китоб ишларини ўзингиз юритсангиз. Ҳар қалай, ишончли бўларди. Сизнинг оилангиз, иккита гўдагингиз бор. Ҳарна кўлингиз пул кўради.

— Жуда яхши-да, укажон. Мен розиман. Ўзим ҳам сенинг раҳбар бўлиб ишлашингни орзу қилардим. Қани энди, бизнинг ҳам бошқалардек омадимиз юришиб кетса-ю...

Опа-ука «гапни бир жойга қўйишди».

Баҳодир 2007 йил май ойидан 2008 йил октябрига қадар Бухоро шаҳридаги «Бухоро таъмир капитал» масъулияти чекланган жамияти раҳбари вазифасида ишлади. Аввал келишилганидек, жамият бош ҳисобчиси вазифасини опаси Мақсуда Рўзиевага топширди. Яқин қариндошлар аввалига ҳалол ишлаб юришди. Ҳужжатлар ҳам қонун талаблари даражасида юритилди. Бироқ...

Ота-боболаримиздан қолган «коса тўлса тўкилади» деган нақл бежизга айтилмаган экан. Жамият раҳбари Баҳодир Рўзиев вақт ўтиши билан нафс домига «илинди». Ўзининг енг ичидаги қилмишлари кун келиб очилиб қолишини хаёлига ҳам келтирмади.

Б.Рўзиев опаси билан жиноий тил бириктириб, солиқ солинадиган фойдани яшириш мақсадида давлат солиқ органларига жамият фаолиятига доир ҳужжатларни топширмай юраверди. Бунинг боиси бор эди, албатта. Уддабурон раҳбарнинг истаги билан қисқа вақт ичида жамиятнинг 15.171,2 минг сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловлари солиқдан яширилди. Б. Рўзиев ва М. Рўзиева тап-тортмай жамиятнинг молиявий фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни ғаразли мақсадда йўқотиб юборишди, лекин айблари очилгач, қилган ишларидан пушаймон бўлишди. Суд ҳукми билан иккаласи ҳам қилмишига яраша жазосини олди.

**Ҳасан ШИРИНОВ,**
**Бухоро шаҳар прокуратураси терговчиси**

***Бугунги кунда мамлакатимизда мулкчилик шаклидан қатъи назар барча тадбиркорлик субъектларига катта имкониятлар яратилмоқда. Бу борадаги қонун ва қонун ости ҳужжатларининг янада такомиллашиб бораётгани бунинг яққол мисолидир. Албатта, мазкур қонунлар тадбиркорларимизнинг бундан-да равнақ топиб, ривожланишларида муҳим аҳамият касб этади. Аммо, қаратилаётган эътибор ва яратиб берилган қулай шароитларни суиистеъмол қилиб, ноқонуний фаолият юритаётган «тадбиркорлар» ҳам афсуски, учраб турибди.***

# Ноқонуний савдолар

Биргина этил спирти, алкоголли ва тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш юзасидан 2008 йилда 1027 та жиноят ҳамда 55 та маъмурий ишлар қўзғатилган. Аниқланган ҳуқуқбузарликлар натижасида 889,7 млн. сўмлик алкоголли ва тамаки маҳсулотлари ашёвий далил сифатида мусодара қилинди. Бундан кўриш мумкинки, тадбиркорларимизнинг айримлари ҳали ҳам ўз фаолиятини тўлиқ қонунийлаштирган ҳолда амалга оширишмаган.

Жумладан, Департаментнинг Андижон вилоят бошқармаси ва Шаҳрихон туман бўлими ходимлари ўтказган тезкор тадбирда вилоятнинг Олтинкўл тумани, «Жалабек» қишлоқ фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи фуқаро Д.Тўрабоевнинг (исм-шарифлари ўзгартирилган) ноқонуний равишда чет элда ишлаб чиқарилган, ҳеч қандай ҳужжатсиз 1,4 млн. сўмлик 3000 қути тамаки маҳсулотлари билан савдо қилаётганлиги аниқланди. Олиб борилган суриштирув ҳаракатлари жараёнида Д.Тўрабоев, Андижон шаҳар «Жаҳон универсал бозори» ҳудудида ноқонуний равишда Қирғизистон ва Тожикистон республикаларида ишлаб чиқарилган, тегишли ҳужжатсиз 16,8 млн. сўмлик 22380 қути тамаки маҳсулотларини сотиш мақсадида сақлаб келаётганлиги аниқланиб, жами 18,2 млн. сўмлик 25380 қути тамаки маҳсулотлари далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Бундан ташқари, Ангрен шаҳрида ўтказилган тадбирда шаҳарнинг 5/1-даҳасида яшовчи фуқаро Б.Солиховнинг уйи кўздан кечирилганда, унинг хонадонида санитария талабларига жавоб бермайдиган, инсон саломатлиги учун хавф туғдирадиган қўлбола спиртли ичимликлар яширин равишда ишлаб чиқарилаётганлиги маълум бўлди. Ушбу яширин цехда умумий баҳоси 1 млн. 41,2 минг сўмлик 757 дона қопқоқлар, 400 дона қалбаки акциз маркалар, 31 шиша спиртли ичимликлар, 94,5 литр этил спирти ва бошқа жиҳозлар борлиги аниқланиб, тегишли равишда расмийлаштирилди.

Юқоридаги ҳолатлар юзасидан ноқонуний фаолият юритган фуқаролар Д.Тўрабоев ва Б.Солиховларга нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, суд томонидан тегишли жазо тайинланди.

Халқимиз «эгри юрдинг қолдинг уятга, тўғри юрдинг етдинг муродга», деб бежизга айтишмаган.

**Жаҳонгир ИГАМОВ,**
**Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛКК Департаментининг катта криминалисти**

# Коллежлар хўжакўрсингами?

Мустақиллик йилларида ёшларимизнинг билим олишлари, касб-ҳунар эгаллашлари, танлаган мутахассисликлари бўйича самарали меҳнат қилиб, мамлакат равнақига ҳисса қўшишлари учун кенг имкониятлар яратилди. Буни биргина касб-ҳунар коллежлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Яқинда туман прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 октябрдаги «Умумий ўрта ва ўрта махсус касб-ҳунар таълимига изчил ўтишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижроси юзасидан тумандаги касб-ҳунар коллежларида текширишлар ўтказилди.

Туманимиздаги Мелиорация ва сув хўжалиги касб-ҳунар коллежи 2008-2009 ўқув йилида ишга туширилган. Коллеж 735 ўқувчига мўлжалланган бўлса-да, ҳозирда унда 185 нафар ўқувчи ўқиётганлиги ачинарли ҳолдир. Ўқувчилар учун ётоқхона қурилмаганлиги ҳам бу ерга билим олиш ва касб-ҳунар ўрганиш учун келувчи ёшлар сафининг кенгайишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Коллежда физика, биология, астрономия, информатика каби фанлар бўйича амалий машғулотлар ўтишга мўлжалланган фан-лаборатория кабинетлари мавжуд. Аммо ушбу хоналар ҳозирга қадар ўқув жиҳозлари билан таъминланмаган. Касб-ҳунар коллежининг ахборот-ресурс марказида штатлар жадвали бўйича икки нафар ходим ишлайди. Улардан бири ишлаб турган соҳаси бўйича мутахассис бўлмаган ходим эканлигини қандай изоҳлаш мумкин? Марказ раҳбари коллеж маълумотига эга, боз устига бошланғич таълим ўқитувчиси. Ахир, ушбу марказ ёшларнинг таълим-тарбия олишлари учун таянч нуқталардан бири ҳисобланади-ку!

Ахборот-ресурс марказида жами 307 та мультимедиа ва электрон дарсликлар мавжуд бўлиб, бунинг атиги 65 таси коллежда ўргатилаётган мутахассисликларга тааллуқли холос. Қолган 242 та мультимедиа ва электрон дарсликлар номигагина олиб келиб қўйилган.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, ахборот-ресурс маркази мультимедиа ва компьютер жиҳозлари билан таъминланмаганлиги боис ўқувчиларнинг электрон дарсликлар ва мультимедиалардан фойдаланишлари учун умуман имконият йўқ. Дарсликлар таъминотига ҳам панжа орасидан қараб келинаяпти.

Гапнинг индаллосини айтганда, ўқитувчиман деб бўйинбоғ тақиб юрган билан иш битмас экан. Ахир ўзининг иш режаси нөмукаммал, талаб даражасида бўлмаган ўқитувчи болаларга қандай таълим беради?!

Директорнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари Азамат Пардаев бу борада аслида бошқаларга ибрат бўлмоғи керак. Тўғри, ўринбосар 2008-2009 ўқув йили учун иш режасини рисоладагидек тартибда тузиб қўйган. Бироқ қоғоз қоралланганлиги билан амалда бажарилмаса, ҳисоб эмас-да! Шунингдек, касбий таълим бўйича директор ўринбосари Эркин Қосимовнинг иш фаолиятида ҳам камчиликлар йўқ эмас.

Билим даргоҳини бекорга гулшанга ўхшатишмайди. У қачонки болалар билан гавжум, давомат талаб даражасида бўлганда ўз номига лойиқдир. Афсуски, ушбу коллежда болаларнинг дарсларга қатнашишини ҳам талаб даражасида деб бўлмайди.

Мунтазам равишда дарсга қатнашмайдиган 15 нафар ўқувчини коллежга жалб қилиш борасида коллеж маъмурияти чора-тадбирлар кўрмаган. Бир кунлик умумий давомат 60.5 фоизни ташкил этиши ҳам коллеждаги иш мароми, савияси ҳамда аҳволи қониқарли эмаслигини равшан кўрсатиб турибди.

Тумандаги агросаноат касб-ҳунар коллежида ҳам юқорида зикр этилган қонун ҳужжатлари ижроси лозим даражада таъминланмаган. Хусусан, коллежда замонавий ўқув-ишлаб чиқариш устахонаси бўла туриб, ҳозиргача зарур жиҳозлар билан таъминланмаган. Шу боис, жорий ўқув йилида коллежни битирадиган 320 нафар ўқувчи билан бирор марта ҳам амалиёт машғулотлари ўтказилмаган.

Ўзибўларчилик авж олган бу коллежда директордан тортиб, ишлаб чиқариш усталаригача 2008-2009 ўқув йили учун иш режасини пала-партиш, сифатсиз тузишган. Бунинг устига-устак режалар бажарилиши умуман таъминланмаган. Коллеж маъмурияти билан ўқувчиларнинг ота-оналари ўртасида алоқа ўрнатилмаган. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, туман ички ишлар бўлимининг вояга етмаганлар ишлари бўйича инспекцияси билан ҳам етарли даражада ҳамкорлик ўрнатилмаганлиги сабабли мунтазам дарсга қатнашмайдиган ўқувчилар рўйхати тақдим этиб борилмаган.

Коллежда ўқувчиларнинг дарсларга қатнашишлари текширилганда жиддий камчиликлар аниқланди. Жумладан, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини консервалаш технологияси йўналиши (гуруҳ раҳбари С.Наримонов) гуруҳида таълим олаётган ўқувчилар сони 29 нафар бўлиб, 12 март куни 4 нафар, 13 март куни 5 нафар, 16 март куни 6 нафар, 18 март куни эса 7 нафар ўқувчи дарсга қатнашган холос. Бу кўрсаткич эса тўрт кунлик давомат ўртача бор-йўғи 19 фоизни ташкил этишини англатади. Ушбу йўналишдаги бошқа бир гуруҳда (раҳбари Ш.Қўшбоқов) 26.7 фоиз, гўшт маҳсулотларини қайта ишлаш ва консервалаш технологияси йўналиши гуруҳида (раҳбари Г.Боллиева) 25 фоиз талаба дарсларга қатнашмаган. Умуман олганда тўрт кунлик давомат коллеж бўйича 36 фоизнигина ташкил этган, холос.

Коллеж маъмурияти томонидан ўқувчиларнинг машғулотларга мунтазам қатнашмаслик сабаблари ва давомат масалалари доимий равишда муҳокама этилиб борилмаганлиги боис, ўқувчиларнинг давомати жуда паст кўрсаткичга тушиб қолган.

Текшириш натижасига кўра мелиорация ва сув хўжалиги ҳамда агросаноат касб-ҳунар коллежлари директорлари номига Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунининг 40-моддасига асосан қонунбузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисида тақдимнома киритилди. Ушбу тақдимнома касб-ҳунар коллежлари илмий педагогик кенгашида атрофлича муҳокама қилиниб, қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этишга қаратилган тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинган. Ўз вазифасига масъулиятсизлик билан ёндошган ходимларга нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилган.

Шу билан бирга текширувлар натижаларидан келиб чиқиб, ўз фарзандларига таълим бериш борасидаги мажбуриятларини бажармаган айрим ота-оналарга ҳам қонунда белгиланган чоралар қўлланилди.

Билим ва касб ўрганиш ўчоқлари бўлган коллежлар меҳнаткашлар фарзандларининг таълим олишлари, касб-ҳунар ўрганишлари учун жуда катта давлат маблағлари сарфланиб, барпо этилган. Шундай экан, уларни ҳақиқий маънодаги билим ва ҳунар масканига айлантиришни даврнинг ўзи тақозо этиб турибди.

**Холмамат РАИМОВ,**
**Бандихон туман прокурори**

# ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ БЕҲИСОБ ЭМАС

**Бугунги кунда ҳаётимизни электр нурисиз тасаввур этаолмаймиз. Электр хонадонимизни чароғон, ҳаётимизни фаровон этаётган манба бўлиб, саноат, қишлоқ хўжалиги, умуман халқ хўжалигининг барча соҳалари бевосита у билан боғлиқ. Қисқаси, электр бебаҳо неъматлардан биридир. Ҳозирда электр қувватидан тежаб-тергаб ишлатишни давр талаб этмоқда. Вилоятимизда электр энергияни тежаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар қандай самара бераётгани ҳақида қисқача сўз юритмоқчимиз.**

Электр энергияси учун тўловни муддатида амалга оширмаган хўжалик юритувчи субъектлардан қарзни ундириб бериш учун Хўжалик судига 33445,3 млн. сўмга 85 та даъво аризаси киритилган, Хўжалик суди томонидан 79 та ариза бўйича 181.6 млн. сўм қарздорлик ундириб берилган.

Истеъмол қилинган электр энергияси учун тўлов муддати ўтган дебиторлик қарзларини корхоналар мол-мулки ҳисобидан ундириш мақсадида Суд ижро департаментига 8617,0 млн. сўмлик 180 та ижро ҳужжатлари юборилиб, март ойида 140 та ижро ҳужжатлари бўйича корхоналарнинг ҳисоб рақамидан 8711,4 млн. сўмлик дебиторлик қарзлари ундирилган. Ўтган давр мобайнида қарздорлиги мавжуд корхоналарнинг мол-мулки ҳисобидан 3032,1 минг сўм ундирилган.

Ҳукуматимизнинг 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сонли қарори талаблари ижроси юзасидан ўтказилган ўрганишларда жойлардаги электр тармоқ корхоналари томонидан ҳам бир қатор камчиликларга йўл қўйилаётганлиги маълум бўлди.

Вилоят Давлат солиқ бошқармаси томонидан Нурота тумани «Электр тармоқлари» корхонасида ўтказилган ўрганишда юқоридаги қарор талабларига зид равишда, яъни 30 фоизли тўловни олдиндан амалга оширмаганлигига қарамасдан айрим истеъмолчиларга электр энергияси етказилиб берилгани аниқланган. Жумладан: 2008 йил давомида қарор талабларига зид равишда 226 та хўжалик юритувчи субъектга жами 437,8 млн. сўмлик электр энергияси етказилиб берилган.

Истеъмол қилинган электр энергияси учун истеъмолчилардан қарзларни мажбурий ундириш учун корхоналар томонидан ҳужжатларни реестр асосида ойма-ой солиқ идораларига белгиланган муддатларда тақдим этиб борилмаган.

Ўтган йил давомида 296 та юридик шахсга нисбатан 180059,8 минг сўмлик реестрлар туман Давлат солиқ инспекциясига тақдим қилинмаганлиги аниқланиб, ўрганиш материаллари вилоят прокуратурасига юборилган. Вилоят прокуратураси томонидан Нурота тумани «Электр тармоғлари» корхонаси мансабдорларига нисбатан жиноят иши қўзғатилган.

Кармана туман ДСИ томонидан Кармана туман «Электр тармоқлари» корхонасида ўтказилган ўрганишда «Зарафшон зар тупроғи» (89 млн. сўм), «Худоёр Имомов» (18,5 млн. сўм), «Зебо Садирова» (93,0 млн сўм) каби фермер хўжаликларининг муддати ўтган дебитор қарздорлиги борлиги маълум бўлган. Электр тармоқлари корхоналари ушбу корхоналарга олдиндан 30 фоизли тўловни амалга оширмаса-да, ноқонуний равишда электр энергияси етказиб бериш билан нореал дебиторликлар келиб чиқишига сабабчи бўлишган. Ушбу ҳолат юзасидан Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаменти Навоий вилояти Кармана тумани бўлими томонидан туман «Электр тармоқлари» корхонаси мансабдор шахсларига нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилган бўлиб, корхонада солиқ қонунчилигига риоя қилиниши юзасидан ҳужжатли текшириш ўтказиш тайинланган.

Электр энергиясидан нотўғри фойдаланиш, тармоққа қоидага хилоф равишда уланиш, фойдаланилган электр энергияси учун вақтида ҳақ тўламаслик давлат ва жамият манфаатларига зид бўлиб, бу билан асло муроса қилиб бўлмайди.

**Санжар ҚУЛМОНОВ,**
**Навоий вилоят Давлат солиқ бошқармаси шўъба бошлиғи**

# ЯНГИ ТИББИЙ КЎРИК МАРКАЗИ

Охунбобоев туман прокуратураси ташаббуси билан Бешкапа қишлоғи врачлик пунктида ана шундай марказ ташкил этилди. Бу муҳим ишга туман ҳокимлиги ва туман тиббиёт бирлашмаси томонидан амалий кўмак берилди. Аҳамиятлиси шундаки, бу марказ вилоятнинг туман, шаҳарлари ичида биринчи бўлиб очилди.

Маълумки, кейинги вақтда одам савдоси дунёвий муаммога айланиб қолди. Давлатимиз томонидан бундай жиноятчиликнинг олдини олиш учун катта ишлар амалга оширилмоқда, қонунчиликда шунга доир ўзгаришлар қилинди. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 17 апрель куни қабул қилинган «Одам савдосига қарши кураш тўғрисида»ги Қонуни, Президентимизнинг 2008 йил 8 июль куни «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори шулар жумласига киради. Мазкур ҳужжатларда мамлакатимизда одам савдосига қарши курашиш, унинг олдини олиш, жабрланганларни ҳимоялаш асослари белгилаб қўйилди.

Охунбобоев туманида ташкил этилган тиббий кўрик маркази ҳам фуқароларнинг қонунда кўзда тутилган ҳуқуқлари ҳимоясининг амалдаги бир кўриниши бўлди. Унда тумандаги барча қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, оқсоқоллар, маслаҳатчилар, фаоллар, ҳудуд нозирлари иштирок этишди. Туман прокурори Ў.Абдурасулов марказ фаолиятини йўлга қўйишдан кўзда тутилган мақсад ҳақида гапириб берди.

Сир эмас, қўшни давлатларга турли йўллар билан турли мақсадларда чиқиб кетаётган фуқароларимизнинг аксарият қисми ўз соғлиқларини йўқотишиб, бирон бир дардга чалиниб келишмоқда. Бу уларнинг оиласи, жамият учун ҳам хавфлидир.

Чет элларда бўлиб қайтганлар камдан-кам ҳолларда ўз хоҳишлари билан кенг қамровли тиббий кўрикдан ўтадилар. Биринчи навбатда улар ўртасида тарғибот ишларини олиб бориш, тиббий кўрикдан ўтиш аввало, ўзлари, оила аъзоларининг соғлом турмуш тарзи учун кераклигини тушунтириш лозим бўлади.

Туман прокуратураси шундай йўл тутди. Биринчи навбатда турли сабаблар билан четга чиқиб кетган фуқаролар шахси аниқланди. 2800 нафар фуқаролар чет давлатларга чиқиб кетишган экан. 1136 нафари қайтиб келган. Уларнинг 600 нафарга яқини тиббий кўрикдан ўтказилиб, касалга чалинган деб топилган 57 нафари даволанишга ёткизилди. Муолажалар бепул амалга оширилмоқда.

Марказда ҳар сешанба куни малакали шифокорлар чет элларда бўлиб келиб таклиф этилган фуқароларни тиббий кўрикдан ўтказишади. Мукаммал текшириш учун барча шароит ва имкониятлар яратиб қўйилган. Тадбир куни 80 нафар таклиф этилган шундай фуқаролар тиббий кўрикдан ўтказилди. Уларнинг айримлари билан яратилган бундай қулайлик, ғамхўрлик хусусида гаплашдик.

Ўқчи қишлоғидан, 1960 йилда туғилган Абобакир Султонов:

— 2008 йил ноябрь ойида Россия Федерациясига иш ахтариб кетган эдим. 6 ойда қайтиб келдим. Уёқларда пул бўлгани билан иш оғир. Ўз юртимизда ишлаган маъқул экан. Бугун янги очилган марказга таклиф этишди. Ўз ихтиёрим билан келиб, тиббий кўрикдан ўтдим. Соғлом эканман, хотиржам бўлиб оилам, фарзандларим олдига кетяпман. Соҳам бўйича иш ҳам таклиф этишди.

Лангар қишлоғидан, 1968 йилда туғилган Ҳасанбой Ҳудойбердиев:

— Қозоғистоннинг Астана шаҳрида ишлаб келдим. Ёшимга тўғри келмас экан. Ўз юртимда ишламоқчиман. Мени маҳалла фуқаролар йиғини раиси янги очилган тиббий кўрик марказидан текширувдан ўтишга таклиф этди. Оилам, уч нафар фарзандим бор. Менинг соғлиғим оиламнинг ҳам соғлиғи. Шифокорлар кўригидан ўтдим, соғлиғим жойида экан.

Марказ фаолияти шу билангина чекланиб қолмайди. Қабул ва тиббий кўрик кунлари марказда туман меҳнат бўлими вакили ҳам бўлиб, чет элда бўлиб келганларга иш ўринлари таклиф этмоқда. Тадбир куни 10 нафар тиббий кўрикдан ўтган, соғлом деб топилган шундай фуқаролар иш билан таъминланди.

Охунбобоев туманидаги фуқароларнинг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқини кафолатлаш борасида йўлга қўйилган илғор тажриба, яъни янгича тиббий хизмат кўрсатиш иши ўрганишга арзигуликдир.

**Махамаджон УМАРОВ,**
**Фарғона вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси**

# ФОЖИАЛИ ТАҚДИР



Нигора тиббиёт коллежининг иккинчи босқич талабаси бўлиб, шаҳарда курсдошлари билан бир аёлнинг уйида ижарада турарди. Қадди-қомати келишган Нигорани кўрган йигитлар унга орзуманд қарашар, қиз эса уларга эътиборсиз эди.

Улар ижарада турган кўп қаватли уйнинг биринчи қаватида озиқ-овқат магазини бўлиб, Маҳкам опа деган аёл сотувчи бўлиб ишлар эди.

Нигора бўш пайтларида Маҳкам опанинг олдига кириб, дўкон ишларига ёрдамлашар, баъзида опа бирор юмуш билан дўкондан чиқса, унинг ўрнида савдо қилиб турарди.

Шундай кунларнинг бирида дўконга келишган, пўрим кийинган нотаниш йигит кириб келди. У дўконни айланиб чиқиб, Нигоранинг олдида тўхтади. Унга бир зум маъюдор ва синчков тикилгач: — Маҳкам опа қаердалар? — деб сўради.

— Бир иш билан чиққандилар, ҳозир келадилар, — деди Нигора.

— Сиз ким бўласиз?

— Мен... Мен Нигораман...

— Маҳкам опанинг ёнида ишлаяпсизми?

— Йўқ, — деди Нигора шошиб, — коллежда ўқийман.

Йигит Нигоранинг уялиб кетганини кўриб, кулиб қўйди-да: — коллежларингиздаги қизларнинг ҳаммаси ҳам сиздай чиройлими ёки фақат сизнинг бир ўзингизми? — деди гўё ҳазиллашгандек бўлиб.

Нигоранинг юзига қизил югурди. Бироқ жавоб бермади.

— Менинг исмим Аҳмад, — гапида давом этди йигит, — Маҳкам опангизнинг укасиман. Опага менинг келганимни айтиб қўярсиз. Хайр, гўзал қиз!

Нигора унинг орқасидан қараб қоларкан, «Жуда маданиятли, ёқимтой, яхши одам экан», деган ўй хаёлидан ўтди.

Кўп ўтмай Маҳкам опа кириб келди ва Нигорадан:

Аҳмад укам келдими? — деб сўради.

— Укам зўр йигит, — деди Маҳкам опа халатини кияётиб, — Чет эллар билан алоқа қилади, бизнесмен. Мениям Арабистонга томошага олиб борган. Меҳрибон, яхши йигит. Фақат...

Маҳкам опа бироз жим турди-да, давом этди: — Хотини таги паст, шаллақи аёл. Аҳмаджон у билан ажрашмоқчи бўлиб юрибди.

Бир неча кун ўтиб, дўконга келган Нигорани Маҳкам опа қовоғини уйганча кутиб олди.

— Нима қилиб қўйдинг, Нигора?

— Нима қилибман?

— «Нима қилибман?» дейсанми? Аҳмаджон сени кўриб, жинни бўлиб қолибди-ку! «Нигора билан таништиринг», деб ҳол-жонимга қўймаяпти.

Маҳкам опа шундай дея кулимсиради. Буни кўриб, Нигора ҳам енгил тортди.

— Менга қара, — гапида давом этди опа. — У сен учун молидан ҳам, жонидан ҳам кечишга тайёр. Шунинг учун бир гаплашиб кўр.

Бир неча кундан кейин Маҳкам опа Нигорани ёнига чақирди: — Аҳмаджон икковимизни меҳмонга чақирди.

Кечки пайт борамиз.

— Мен боролмайман. Онам эшитсалар, уришадилар.

— Аҳмаджон сени еб қўймайди, мен борман-ку! Уйига бориб, зиёфатини еймиз. Бунинг нимаси ёмон?

Хуллас, кечки пайт Аҳмаднинг шаҳар четидаги ҳовлисига кириб боришди. Аҳмад уларни яхши кутиб олди. Меҳмонлар билан уларни таништирди. Зиёфат бошланди.

Аммо меҳмондорчилик Нигорага қувонч келтирмади... Маҳкам опанинг «озгина шампан ич, кайфиятингни кўтаради» деганини, кейин боши айланиб, ўзини ёмон ҳис қилганини, Маҳкам опа бир аёл билан уни бошқа хонага олиб кирганини элас-элас эслайди, холос...

Нигора йиғлади, сиқтади. Бошидан кечган бу машъум воқеа уни адойи тамом қилди. Унинг аҳволини кўрган Маҳкам опа: — Нега аза тутиб ўтирибсан?Аҳмаджон сени ташлаб қўймайди. Боқишга кучи етади.

Ҳали кўрасан, укам билан бахтли бўласан. Бола-чақа орттириб, тўйлар қиласан, - деб тасалли берган бўлди.

Аҳмад «хотинимдан ажралиб, сенга уйланаман», деб уни овутди. Тилла тақинчоқлар ва кийим-кечаклар олиб бергач, Нигора Аҳмад билан эр-хотиндек яшай бошлади. У енгил ҳаётга ўрганди.

Шундай кечалардан бирида Аҳмад Нигорани танишларидан бирининг қучоғига киришга мажбур қилди. Нигора бу ҳолатни табиий қабул қилди.

Кўп ўтмай Маҳкам опа Нигорани Арабистонга олиб борди-да, фоҳишахоналардан бирига сотиб қайтди. Нигора бу ҳаётга ҳам ўрганди. Ота-онасига пул юборадиган бўлди. Кунларнинг бирида ўша ерда танишган бир киши чиройли қизлардан олиб келса, мўмай пул ишлаб олиши мумкинлигини айтиб, ҳамкорликни таклиф қилди. Нигора онасига хат ёзиб, ишлари яхшилиги, қизлар учун бу ерда иш борлиги, имкон бўлса қишлоқдаги қизларидан жўнатишни илтимос қилди. Она аввалига рози бўлмади. Нигора телефон қилавергач, ахийри кўнди.

Тузоққа биринчи бўлиб ён қўшниси Ҳадича илинди. У хорижда ишлаб, ота-онасининг рўзғор тебратишига ёрдам бериш ниятида бу таклифга рози бўлди...

Ҳадичани кутиб олган Нигора уни 3000 АҚШ долларига сотиб юборди. Буни кутмаган Ҳадича қаршилик кўрсатиб, эвазига калтак еди. Аммо бўйин эгмади. Ахири ўз жонига қасд қилди.

Ўзбек халқининг «бир балоси бўлмаса, шудгорда қуйруқ на қилур?» деган мақоли бор. Дарҳақиқат, бирор кимса олтин тоғлар ваъда қилаётганида ақлни ишлатиб, мулоҳаза қилиб кўриш фойдадан холи эмас.

Ҳадичанинг фожеали ўлимига сабабчи бўлган кимсаларнинг жинояти жазосиз қолмади. Улар қонун олдида жавоб бердилар.

**Самиғжон ОМОННИЁЗОВ,**
**Навоий шаҳар прокурори**

# ТАЪМАГИР СОЛИҚЧИ

Фермерликни ҳавас қилган Абдуқаҳҳор Шералиев тендерда ютиб чиқди. Ажратиб берилган ерда деҳқончилик қила бошлади. Бироқ, иши юришмади. Режалаштирилган ҳосилни етиштира олмади. Даромад олиш ўрнига зарар кўрди. Ўйлаб-ўйлаб, фермер хўжалигини ёпишга қарор қилди. Туман ҳокими номига ариза ёзди. Туман ҳокимлиги аризани ўрганиб, «Биомаҳсулот-люкс» фермер хўжалигини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилди. Давлат солиқ инспекциясига фаолиятини тўхтатган фермер хўжалигида ҳужжатли тафтиш ўтказиш вазифаси топширилди.

ДСИ бош инспектори Бобурбек Азимов фермер хўжалигига келиб, якунловчи текширишни бошлади. Ҳужжатларга бир сидра кўз югуртирган йигирма тўрт яшар солиқчини балои нафс аталмиш иблис йўлдан урди. «Пашшадан фил ясаб, дилига ваҳима солиб қўйсанг, содда фермерни ноғорангга ўйнатаверасан».

Келаси куни тафтишчи фермер хўжалиги раҳбари билан ҳисобчини ҳузурига чорлади.

— Молиявий хужжатлар билан танишиб чиқдим. Аҳвол чатоқ. «Ҳосилдор-Анд»нинг иши прокуратурага оширилганини биласизлар. Камчилик кўп, сизлар ҳам судланишларингиз тайин. Қўлимдаги ҳужжатлар манаман деб турибди. Огоҳлантириб қўйиш вазифам. Олдини олмасаларинг, кеч бўлади. Кейин аттанг қилиб юрманглар.

Солиқчининг сўзларини қўл қовуштириб эшитган фермернинг кўнгли ғаш бўлди.

— Хато қилгандирмиз, аммо, ҳеч кимнинг ҳаққини еб қўйганимиз йўқ. Балки, бошқа фермернинг ҳужжатлари билан чалкаштираётгандирсиз?

— Хатоларинг унча-мунча эмас. Айтдим-ку, жиноят иши очилиши тайин.

Абдуқаҳҳор Шералиевни ваҳима босиб, «нажоткор»га умид билан боқди.

— Бирон йўли бордир...

— Чиқимига чидасангиз, тинчитаман. Чидамасангиз ишингиз судга оширилади. Бор будиздан айриласиз. Зарарни ўрнини қоплай олмаганлар турмада ётибди. Тўрт юз долларга ҳужжатларингизни текислаб қўяман.

— Қийналиб турибман-да. Фойда кўрмай ёпяпман ахир, фермер хўжалигини!

Абдуқаҳҳор Шералиев ноилож қолди. Тўрт юз минг сўмни олиб келди. Лекин, Бобур Азимов яна қисти-бастига олди.

— Мен битта гапираман. Тўрт юз долларни ўзимизни пулга чақсангиз, олти юз минг бўлади. Тағин икки юз минг опкелсангиз опкелдингиз, бўлмаса...

Абдуқаҳҳор Шералиев таниш-билишлардан сўраб топа олмагач, уйдаги бузоғини бозорга етаклаб чиқди. Зарурат туфайли арзон-гаров сотиб юборди. Икки юз минг сўмни тафтишчининг ўғлига бергач, ниҳоят оғзи ёпилди, деб хом хаёл қилган экан.

Таом устида иштаҳа очилади, деганларидай Бобур Азимов фермер хўжалиги раҳбарининг жиловини осонликча қўйиб юбормоқчи эмасди. Энди «соғин сигир»ни соғиб ичишнинг накдсиз йўлини ишга солди. Б.Азимовнинг «Азизахон» номли фермер хўжалиги ҳам бўлиб, бир пайтлар ҳисоб-китобини ўзи юритган эди.

— Мана бу ҳисоб рақамига олти юз минг сўм пулни ўтказиб қўйинг, — деб «Азизахон» фермер хўжалигининг банкдаги ҳисоб рақамлари ёзилган бир парча қоғозни узатди.

Абдуқаҳҳор Шералиевнинг сабр косаси тўлди. «Емаган сомсага қачонгача пул тўлайсан?». Фермер хўжалиги раҳбарининг аризасига биноан ДСИ ходимига нисбатан жиноят иши қўзғатилди. У айбидан тонишга чираниб кўрди. «Азизахон» фермер хўжалигига олти юз минг сўм ўтказишни талаб қилмаганман, дея суддан қуруқ чиқишга уринди. Бироқ гувоҳларнинг кўрсатмалари, хатшунослик экспертизасининг хулосаси каби инкор этиб бўлмас далиллар қаршисида ожиз қолди.

Хизмат бурчини ҳалол адо этувчи, қонунларга оғишмай риоя қилувчи солиқ идораси ходимлари давлат хазинасини тўлдиришни кўзлаб иш юритишади. Б.Азимов каби нафсининг қули бўлган олғирлар эса нуфузли идора обрўсига соя ташлашади. Нафақат фуқароларга, давлатга зиён етказишади. Давлат солиқ инепекцияси раҳбарияти ушбу жиноят ишидан тегишли хулоса чиқариб, ходимларга хизмат бурчини бекараз адо этиш ҳиссини сингдириб бориши лозим.

**М.АБДУВАЛИЕВ,**
**Бўз туман прокурори**

**Маълумки, сўнгги йилларда мамлакатимизда фермер хўжаликлари Молия Вазирлиги ва Марказий Банк томонидан тасдиқланган «Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга асосан имтиёзли кредит билан таъминланмоқда. Бу эса аграр соҳанинг ривожланиши ва шу орқали иқтисодиётимизнинг юксалишига хизмат қилмоқда.**

**Аммо баъзан, кредит олувчи ёки берувчининг зиммасидаги масъулиятни тўла адо қилмаслиги натижасида жиддий низолар келиб чиқмоқда. Ана шундай низолардан бири Акциядорлик тижорат «Туронбанк» нинг Фарғона вилоят филиали билан Риштон туманидаги «Хуррамобод замини» фермер хўжалиги ўртасида юзага келди.**

# «Ҳотамтойлик»

Гап шундаки, 2008 йил 8 февралида банк билан «Хуррамобод замини» фермер хўжалиги ўртасида кредит шартномаси имзоланади. Шартномага кўра банк фермер хўжалигига пахта етиштириш учун 2.700.446 сўм маблағ ажратди.

Фуқаролик кодексининг 744-моддасида қайд этилишича, кредит шартномаси бўйича бир тараф - банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кредитор) иккинчи тарафга (қарз олувчига) шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари (кредит) бериш, қарз олувчи эса олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади. Бироқ орадан 9 ой ўтиб, пахта йиғим-терими якунланса ҳам фермер на кредитнинг ўзини, на унинг фоизларини қайтарди. Шундан сўнг банк қайтмаган кредитни ундириб беришни сўраб, вилоят хўжалик судига даъво ариза киритишдан ўзга чораси қолмади.

Буни қарангки, суд жараёнида ҳақиқий ҳолат юзага қалқиб чиқди. Яъни, 2008 йилнинг 23 февралида Риштон туман ҳокимининг 42-сонли қарори қабул қилинган бўлиб, унга биноан тумандаги бир қатор фермер хўжаликлари тугатилган ва ерлари туман захирасига қайтарилган экан. Уларнинг орасида «Хуррамобод замини» фермер хўжалиги ҳам бор эди. Тугатилгандан сўнг унинг 39.2 гектар ери «Боймамат-Мурод» фермер хўжалигига қўшиб берилган эди. Лекин банк вакиллари бундан «бехабар қолиб» «Хуррамобод замини»га кредит маблағини ажратиб беришган. Банкнинг айни «ҳотамтойлиги»дан мамнун бўлган фермер хўжалиги раҳбари А.Юсупов гарчи ери олиб қўйилган бўлса-да, бу хусусда лом-мим демаган.

Кўриниб турибдики, «Туронбанк» ходимлари ушбу кредитни ажратишдаёқ шошма-шошарлик ва эътиборсизликка йўл қўйиб, хўжаликнинг молиявий кўрсаткичларини етарли даражада ўрганмаган. Кредит ажратилгач, унинг мақсадли сарфланиши юзасидан мониторинг олиб боришни ку гапирмаса ҳам бўлади.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: хўш, хўжалик тугатилган экан, А.Юсупов кредит маблағини нима учун сарфлаган?

Мазкур ишни кўришда «Боймамат-Мурод» фермер хўжалиги қўшимча жавобгар сифатида жалб қилинди. Суд жараёнида унинг раҳбари А.Мамажонов ва А.Юсупов ўртасида сансалорлик юзага келди. А.Юсупов ери олиб қўйилгани боис кредитни қайтаришдан бош тортди.

— Тўғри, туман ҳокимининг қарори билан «Хуррамобод замини»нинг ери менинг еримга қўшиб берилган. Аммо бу хўжалик билан бизнинг ўртамизда қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланмаган, — дея эътироз билдирди А.Мамажонов.

Суд гарчи ерлари олиб қўйилган бўлса-да, ҳали давлат реестридан чиқарилмагани боис кредитни «Хуррамобод замини» фермер хўжалигидан ундириш юзасидан ҳал қилув қарори қабул қилди. Шу билан бирга, ушбу хўжалик иши бўйича қўшимча текшириш ўтказиш ҳақида хусусий ажрим чиқарилиб, вилоят прокуратурасига юборилди.

Агар таҳлилларга назар ташласак, сўнгги пайтларда хўжалик судларида кўрилаётган банклар билан боғлиқ ишларнинг аксарият қисмини кредит низолари ташкил қилмоқда. Бунга фақат кредит олувчининг эмас, балки банк вакилларининг юқоридаги сингари масъулиятсизликлари ҳам асосий сабаблардан бўлаяптимикан? Марказий Банкнинг Фарғона вилоят бошқармаси ва Республика «Туронбанк»и мутасаддиларининг бу саволга муносабатлари қандай?

**Дониёр ХЎЖАМБЕРДИЕВ,**
**Фарғона вилоят хўжалик судининг судьяси**

# ИШ БЕРУВЧИНИНГ ФУҚАРОВИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ:

## *уни мажбурий суғурта қилишнинг кафолатлари*



Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг қонунчилик асосларини такомиллаштиришда суғурта муносабатларини тартибга солишнинг аҳамияти беқиёсдир. Давлат томонидан бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни шакллантириш жараёнида кишиларнинг қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқининг кафолатлари яратилаётганлиги суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва уни ривожлантиришда ҳам яққол намоён бўлмоқда. Мамлакатимиз ривожланишининг ижтимоий устувор йўналишлари фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ишончли тизимини, меҳнат муносабатларини тартибга солиш ва аҳоли турли қатламларининг ижтимоий ҳимоясини суғурта бозорида ҳуқуқий таъминлаш доирасини янада кенгайтиришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида айни пайтда суғурталашнинг умумий ҳажмида мажбурий суғурталаш шаклларининг улуши ниҳоятда пастлигини, 6 фоиздан ортмаслигини, бунинг сабаби халқаро амалиёт талабларига мос бўлган мажбурий суғурталашнинг айрим турлари Республикада жорий этилмагани билан изоҳланишини, шунинг учун ҳам «Транспорт воситалари эгаларининг жавобгарлигини мажбурий суғурталаш тўғрисида»ги, «Иш берувчининг жавобгарлигини мажбурий суғурталаш тўғрисида»ги қонунларнинг ишлаб чиқилишини тезлаштириш зарурлигини таъкидлаган эди.

Суғурта хизматларининг рақобат бозорини янада шакллантириш, суғурта фаолиятининг замонавий турларини ривожлантириш ва сифатини ошириш, суғурталовчиларнинг капиталлашув даражасини кўпайтириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш, уларнинг минтақавий тармоқларини кенгайтириш, шунингдек суғурталашни тартибга солиш усулларини такомиллаштириш мақсадида 2007 йил 10 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарор билан тасдиқланган «2007 - 2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш дастури»да суғурталаш, суғурта фаолияти ва суғурта назоратининг қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш каби чора-тадбирларни амалга ошириш вазифалари белгиланиб, унда «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш назарда тутилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг XVIII ялпи мажлисида маъқулланган ҳамда 2009 йил 17 апрелда расмий эълон қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги қонуни Ўзбекистонда суғуртанинг ушбу соҳасини махсус ҳуқуқий тартибга солиш имкониятини яратди. Ушбу Қонун суғуртани, шунингдек иш берувчилар ва ходимларнинг ўзаро муносабатларини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига асосланган ҳолда ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикасида суғурта муносабатларини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Меҳнат кодекси, «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги ҳамда «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги 60-сонли қарори билан тасдиқланган «Ходимларга уларнинг ўз меҳнат вазифаларини бажаришлари билан боғлиқ ҳолда, майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши натижасида етказилган зарарни қоплаш қоидалари» ва бошқалар муҳим қонунчилик асоси бўлиб хизмат қилади. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда суғурта фаолиятини тартибга солиш бўйича қонунчилик тизими яратилганлигини, у амалиётда самарали қўлланилиб келинаётганлигини кўрсатади.

Амалдаги қонунчилик тизими мамлакатнинг ривожланиб бораётган суғурта бозорини тартибга солиш эҳтиёжидан келиб чиқиб такомиллашиб бормоқда. Суғурта фаолиятининг турли соҳаларини тартибга солувчи қонунларнинг бутун бир тизимини ишлаб чиқиш бўйича қонун ижодкорлиги фаолияти самарали амалга оширилмоқда. Таҳлиллар кўрсатишича, мамлакатимиз суғурта бозорида 30 та суғурта компанияси мавжуд бўлиб, уларнинг 28 таси умумий суғурта соҳасида, 1 таси ҳаётни суғурта қилиш соҳасида ва 1 таси фақат қайта суғурта қилиш бўйича ўз фаолиятини амалга ошириб келмоқда. Суғурта мукофотлари миқдори 2007 йилда 45 фоизга ортган. Ихтиёрий шахсий суғурталаш бўйича суғурта хизматлари барқарор суръатлар билан ривожланиб, 80 фоизга, мулкни суғурталашнинг ихтиёрий турлари эса 48 фоизга ўсган. 2007 йилда 4 756 248 та суғурта шартномалари тузилган бўлса, 2008 йилнинг ўтган даври мобайнида бу кўрсаткич 8 621 812 тани ташкил этган.

Ўтиш даври иқтисодиётига эга давлатларнинг тажрибаси бозор муносабатларининг ривожланиб бориши шароитида суғурта бозорини шакллантиришда мажбурий суғуртанинг катта салмоққа эга бўлаётганлигидан далолат бермоқда. Одатда, мажбурий суғурта фуқароларнинг ижтимоий, иқтисодий манфаатларини, шунингдек корхона, ташкилот ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жорий қилинади. Мажбурий суғурта тури инсон ва жамият манфаатлари нуқтаи назаридан устувор бўлган суғурта объектларини қамраб олади, десак муболаға бўлмайди.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси ходимнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши сабабли соғлиғига етказилган зарар учун иш берувчининг моддий жавобгарлигини назарда тутади. Бозор муносабатларининг амал қилиш шароитида иш берувчи тўловга қодир эмаслиги, ночорлиги, банкрот бўлиши ёки тугатилиши натижасида доимо ҳам ходим олдидаги ўз мажбуриятларини тўлиқ ва вақтида бажара олмайди. Бундан ташқари, технологик ривожланишнинг замонавий ҳолати, ишлаб чиқаришда илғор технологияларнинг қўлланилиши ходимнинг иш фаолияти билан боғлиқ хавфли ҳолатларнинг кўпайиши билан боғлиқдир. Бу эса меҳнат хавфсизлиги чораларини кўриш билан бир қаторда фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини суғурта бозорида самарали ҳимоя қилишни талаб этмоқда. Статистик маълумотларга қараганда, мамлакатимизда ўлим билан тугалланган бахтсиз ҳодисалар 2004 йилда 159 тани, 2005 йилда 167 тани, 2006 йилда 126 тани ташкил этган. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса натижасида жабр кўрганларнинг умумий сони республика бўйича 2004 йилда 881 тани, 2005 йилда 696 тани, 2006 йилда 563 тани ташкил этган.

Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, ходимнинг манфаатларини тўлиқ ҳимоя қилиш учун иш берувчининг ходим олдидаги жавобгарлигини суғурта ташкилотларига ўтказиш механизми қўлланилади. Хусусан, Россия Федерацияси, Беларусь, Қозоғистон Республикаси, АҚШ, Канадада иш берувчи билан ходим ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи суғуртанинг мажбурий турлари амалга киритилган.

Германияда суғуртанинг қуйидаги мажбурий турлари белгиланган: ишлаб чиқаришда ёки зарарли меҳнат шароити натижасида ходимга шикаст етказилганлиги натижасидаги зарар учун иш берувчи жавобгарлигининг суғуртаси; транспорт эгасининг фуқаровий жавобгарлигининг мажбурий суғуртаси; фуқаролик авиацияси ҳаракатининг бошқарув бўйича диспетчерлари ва авиаташувчиларининг касбий (фуқаровий) жавобгарлигининг суғуртаси ва ҳ.к.

Хитойда мажбурий шаклдаги ижтимоий суғурталар бирмунча ривожланган. «Меҳнат тўғрисида»ги ХХР қонунига кўра, меҳнаткашлар ва корхоналар ижтимоий суғурталарда иштирок этишга мажбурдирлар ва мунтазам равишда суғурта тўловларини тўлаб борадилар. Ижтимоий суғурта қуйидаги беш турга ажратилади: нафақа суғуртаси, ишсизликдан суғурталаниш, ижтимоий тиббий суғурта, ишлаб чиқаришдаги жароҳатдан суғурталаниш кабилар шулар жумласидандир.

Ривожланган давлатлар тажрибасини ва миллий қонун ҳужжатларини амалиётда татбиқ этиш тажрибасини инобатга олиб, «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши мамлакатимизда миллий суғурта қонунчилигининг янада ривожланишига хизмат қилади.

Иш берувчининг фуқаровий жавобгарлигини мажбурий суғурталаш соҳасида келиб чиқадиган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар қонуннинг ҳуқуқий тартибга солиш предмети бўлиб ҳисобланади. Қонун мажбурий суғуртани амалга оширишнинг ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий асосларини белгилайди. Бундай асослар жумласига, ходимнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда вафот этиши ёки майиб бўлиши ёхуд касб касаллигига чалиниши муносабати билан соғлиғининг шикастланиши натижасидаги зарарни жабрланувчига қоплаш бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ фуқаролик жавобгарлигининг юзага келиши билан боғлиқ бўлган иш берувчининг мулкий манфаатлари мажбурий суғурта объекти ҳисобланиши; мажбурий суғурта шартномаси оммавий шартнома ҳисобланиб, иш берувчининг аризаси мажбурий суғурта шартномасини тузиш учун асос бўлиб ҳисобланиши; мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурта пули мажбурий суғурта шартномаси тузилган вақтдаги барча ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш йиллик фонди миқдорида белгиланиши, ходимнинг майиб бўлиши, касбий касалликка чалиниши ёки вафоти муносабати билан қопланиши лозим бўлган зарарнинг миқдори белгиланган тартибда аниқланиши кабилар киради.

Фуқаровий жавобгарликни суғурталаш мажбурияти мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклидан қатъи назар, ушбу қонунга мувофиқ барча иш берувчиларга таалуқлидир.

Қонун бешта боб ва 27 та моддадан иборат. Қонунда асосий тушунчалар, иш берувчининг ўз фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш бўйича мажбурияти белгиланган. Ундан ташқари, мажбурий суғурта шартномасининг шартлари, мазмуни ва амал қилиш муддатини, мажбурий суғурта объектини, суғурта ҳодисасини, иш берувчининг, суғурталовчининг ва наф олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, суғурта тарифларини давлат томонидан тартибга солинишини, уларнинг базавий ставкалари ва коэффициентларини, суғурта мукофотини ҳисоблаш шартларини, суғурта пули миқдорини белгилайди. Қонунда шунингдек, мажбурий суғуртани амалга ошираётган суғурталовчиларга, мажбурий суғурта бўйича суғурта захираларини шакллантиришга, шунингдек мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталовчини алмаштиришга нисбатан қўйиладиган талаблардан иборат бўлган мажбурий суғурта хусусиятлари, суғурта ҳодисаси содир бўлганда суғурта товонини тўлаш шартлари, хусусан суғурталовчи томонидан суғурта товонини олиш учун талаб қилинадиган ҳужжатларни тақдим этиш зарурияти, зарарнинг ва суғурта товонининг миқдорини белгилаш тартиби, суғурта товонини тўлаш ва аннуитетлар шартномасини тузиш тартиби назарда тутилган. Иш берувчиларнинг суғурта бўйича мажбуриятларини бажариши назорат қилинишини, ҳужжатларни сақлаш тартиби ва муддатларини, низоларнинг ҳал қилинишини, қонун талабларини бузганлик учун жавобгарлик масалалари мазкур қонунда ўз ифодасини топган.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, мамлакатимизда қабул қилинган ушбу Қонуннинг мақсади — ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда, унинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни ундириш бўйича ҳуқуқини амалга оширишга кўмаклашиш, зарарни қоплаш билан боғлиқ иш берувчининг мулкий манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек меҳнат шароитларини яхшилаш ва хавфсизлигини ошириш, иш берувчининг ишлаб чиқаришдаги жароҳатланишни ва касб касаллигига чалинишни камайтиришдан иқтисодий манфаатдорлигини оширишни назарда тутади. Қолаверса, «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг асосий ғояси мамлакатимиз фуқароларига ўз меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда, уларнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни ундириш ҳуқуқини кафолатлайдиган қонунчилик базасини мукаммаллаштиришдан иборатдир.

**Шуҳрат РЎЗИНАЗАРОВ,**
**юридик фанлар доктори,**
**профессор.**
**Музаффар МАМАСИДДИҚОВ,**
**юридик фанлар номзоди,**
**доцент.**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти ҳузуридаги Амалдаги**
**қонун ҳужжатлари мониторинги**
**институти гуруҳ раҳбари**

# ЯРАШИЛГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ҚИЛИШ ДОИРАСИ КЕНГАЙТИРИЛДИ



Ўзбекистонда амалга оширилаётган одил ҳуқуқий сиёсат натижасида унинг таркибий қисми ва ҳуқуқий асоси ҳисобланган жиноят қонунчилиги инсонпарвар, либерал нормалар билан тўлдирилиб, Республиканинг тегишли қонун ҳужжатларига, жумладан, Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш асосида такомиллашиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2009 йил 27-28 март кунлари бўлиб ўтган ўн саккизинчи ялпи мажлисида маъқулланган «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 661-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ана шундай такомиллаштириш жараёнини ўзида акс эттиради.

Қонунни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсад - жиноят ишларини самарали тарзда ҳал қилиш учун ярашув институтини такомиллаштириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг мантиқий давоми сифатида жиноят ишлари бўйича суд ишини юритишни янада либераллаштиришдан иборат. Аниқроқ айтадиган бўлсак, ушбу қонун ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш қўлланилиши мумкин бўлган жиноятлар доирасини янада кенгайтиради.

Шу ўринда ярашув институтининг жиноят қонунига киритилиши ва унинг самарадорлиги хусусида қисқачи тўхталиб ўтиш лозим бўлади. Зеро, мамлакатимизда 2001 йилда бошланган кенг қамровли суд-ҳуқуқ ислоҳотлари, унинг таркибий қисми ҳисобланган жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан жиноят қонунига бир қатор янги институтларга оид нормалар киритилди. Жумладан, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни содир этиб, ўз айбига иқрор бўлган, жабрланувчи билан ярашган ва етказилган зарарни қоплаган шахсларни жазоламай туриб ҳам жазодан кўзланган мақсадни таъминлаш мумкинлигини инобатга олиб, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш институтига оид модда киритилди. Мазкур норма мазмунида жамиятда кишилар ўртасидаги ўзаро ишонч, тотувлик, адолатпарварлик, инсонпарварлик ва қонунга ҳурмат руҳини мустаҳкамлаш мезонлари устувор аҳамият касб этади. Бу эса айни пайтда кишилар қалбида раҳмдиллик, инсонпарварлик туйғуларини янада мустаҳкамлайди.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш ҳақидаги норманинг киритилиши билан жиноят содир этиб ўз қилмишидан пушаймон бўлган шахсларнинг жавобгарлиги масалаларини ижобий ҳал қилиш имкониятлари яратилди. Хусусан, жиноятдан жабр кўрган шахснинг ҳам, жиноят содир этган шахснинг ҳам манфаатларини ҳимоя қилишга кенг йўл очиб берилди. Жиноят қонунига бу институтнинг киритилиши билан жиноят қонунчилиги сиёсатидаги либераллаштириш ва адолатпарварлик имкониятларини кенгайтиришнинг яна бир самарали механизми жорий этилди.

Шу ўринда айтиб ўтиш мумкин-ки, хорижий давлатлар, жумладан, Россия Федерацияси, Украина, Тожикистон, Молдова, Беларусь, Арманистон, Озарбайжон, Грузия, Қозоғистон жиноят кодексларининг таҳлили уларда ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиниши мумкин бўлган жиноят таркиблари моддама-модда санаб ўтилмасдан, умумий кўринишда берилганлигини кўрсатади. Яъни, уларнинг Жиноят кодексига кўра ижтимоий хавфи катта бўлмаган барча жиноятлар учун ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш қўлланилиши мумкин.

Дунёнинг ривожланган давлатлари суд амалиётида тўлиқ синовдан ўтган, ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятида инсонпарварлик тамойилларига батамом мос келадиган ярашув институти миллий қонунчилигимизга фақат хорижий тажриба асосида кириб келган эмас, яъни жиноят қонуни тарихи учун мутлақо янгилик эмас. Чунки, жиноят содир этган шахс билан жабрланувчининг ўзаро келишуви давлатчилигимиз тарихида кенг қўлланилган. Бунда жиноят содир этган шахс жабрдийдага товон тўлагани учун жабр кўрган тараф уни кечириб, қозидан (суд) айбдорни жазодан озод қилишни талаб этишга ҳақли бўлган. Жумладан, Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя» асарида товон ҳақи жазо сифатида қўлланилгандан сўнг уни айбдор уч йил мобайнида тўлаши лозим, деб кўрсатилган. Таъкидлаш жоизки, ярашув институти айбдорга содир этган қилмиши учун масъулиятни ҳис этишга ва ўз қилмишидан пушаймон бўлишга имкон беради, энг муҳими жабрланувчига етказилган моддий зарарнинг ихтиёрий ва қисқа вақтларда қопланишини таъминлайди.

Суд амалиёти таҳлили маълумотларига кўра, ярашув институти жорий қилинганидан буён ўтган 8 йил мобайнида 88 мингта яқин шахс жиноий жавобгарликдан озод қилинган, жабрланувчиларга етказилган 17 миллиард сўмлик моддий зарар айбдорлар томонидан ихтиёрий равишда қопланган, 80 мингдан ортиқ шахс «судланган» деган тамғадан озод этилган.

Бундан ташқари, ярашув институтини қўллаш амалиёти йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Масалан, 2002 йилда ярашилганлиги муносабати билан 8,7 минг нафар шахс жиноий жавобгарликдан озод этилган бўлса, 2008 йилда бу рақам 21,8 мингга етган. Агар бу рақамларга айбдорларнинг оила аъзолари ва яқин кишиларининг манфаатдорлигини қўшсак, яна минглаб инсонларнинг тинч ҳаёт тарзи сақланиб қолгани аён бўлади.

Шундай шароитда жиноий жазоларни либераллаштиришнинг мантиқий давоми сифатида ярашув институти қўлланилиши мумкин бўлган жиноят таркиблари доирасини кенгайтириш ҳам ижтимоий, ҳам жиноят-ҳуқуқий ислоҳотларимизнинг изчиллигини таъминлашга хизмат қилади. Шу боис, қонун ижодкорлари ушбу институтни татбиқ этиш мумкин бўлган яна бир қатор жиноятлар мавжудлигини кўрсатиш баробарида, Жиноят кодексига ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш мумкин бўлган, содир этилиш характери ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра ўхшаш бўлган яна ўн битта жиноят таркиби мавжудлиги аниқланган. Натижада қонун ижодкорлари томонидан «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 661-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилиниб, маъқулланди ва жорий йилнинг 4 апрелидан кучга киритилди.

Мазкур қонун иккита моддадан иборат бўлиб, унинг биринчи моддаси билан Жиноят кодексининг 661-моддасига ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш мумкин бўлган янги моддалар киритилди. Жумладан, Жиноят кодексининг «Зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш» деб номланган 138-моддасининг биринчи қисми, «Хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузиш» деб номланган 143-моддаси, «Меҳнат қилиш ҳуқуқини бузиш» деб номланган 148-моддаси, «Ўзбошимчалик» деб номланган 229-моддаси, «Тадқиқот фаолиятини амалга оширишда хавфсизлик қоидаларини бузиш» деб номланган 256-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмлари, «Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш» деб номланган 257-моддасининг биринчи қисми, «Тоғ-кон, қурилиш ёки портлатиш ишлари хавфсизлиги қоидаларини бузиш» деб номланган 258-моддасининг биринчи қисми, «Ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиш» деб номланган 259-моддасининг биринчи қисми, «Безорилик» деб номланган 277-моддасининг биринчи қисмларида белгиланган жиноятларни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин бўлади. Айниқса «Безорилик» жиноятини назарда тутувчи 277-модданинг биринчи қисмида кўрсатилган қилмишни содир этган шахсга нисбатан ярашув институтининг қўлланилишини ижобий баҳолаш мумкин. Бинобарин, «Безорилик» жинояти суд-тергов амалиётида энг кўп содир этиладиган жиноятлардан бири ҳисобланади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди статистик маълумотларига кўра, 2003 йилда 3915 та, 2004 йилда 3461 та, 2005 йилда 2951 та, 2006 йилда 2774 та безорилик жиноятлари содир этилган. Безорилик жиноятига ярашув институтининг жорий қилиниши мазкур турдаги жиноятлар бўйича судланган шахслар сонининг камайишига олиб келади. Бу эса жамиятимизда инсонпарварлик тамойилларига нечоғлик эътибор берилаётганидан далолат беради.

Зеро, бу билан жабрланувчига кўрган зарарни бартараф этиш имкониятлари яратилади. Табиийки, бундай имкониятлардан жабрланувчи ва айбланувчи бирдек манфаатдор бўлади.

Эслатиш лозимки, охирги беш йиллик статистика маълумотларига кўра, мазкур қонун билан янги киритилган жиноят таркиблари бўйича ҳар йили судланган шахслар сони умумий судланган шахслар сонининг ўртача 1,6 фоизини (730 нафар шахс) ташкил этмоқда. Демак, мазкур қонун қабул қилиниши муносабати билан бир қатор жабрланувчилар жиноят оқибатида кўрган зарарни ўз вақтида ундириб олиш, жиноят содир этган шахслар эса «судланган» деган тамғадан қутилиши мумкин бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш институти киритилганидан буён унинг доирасига тушувчи жиноятлар белгиланган моддалар сони кўпаймоқда. Агар солиштирадиган бўлсак, 2001 йилда жиноят қонунининг 26 та моддасида ижтимоий хавфи катта бўлмаган қилмишларга нисбатан ушбу институтни қўллаш назарда тутилган бўлса, мазкур қонун қабул қилингунга қадар Жиноят кодексининг 31 та моддасидаги ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар бўйича ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш қўлланилиши мумкин эди. Мазкур қонун билан, Жиноят кодексининг яна 9 та моддасидаги ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар учун ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш қўлланилиши мумкин.

Шуни ҳам айтиш мумкинки, мазкур қонун қабул қилингунга қадар ярашув институти кўпроқ Жиноят кодексида белгиланган шахснинг жисмоний дахлсизлигига тажовуз қилиш билан боғлиқ ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга нисбатан қўлланилиши мумкин эди. Эндиликда, асосан белгиланган қоидаларни бузиш билан боғлиқ жиноятларга нисбатан қўлланилиш назарда тутилди.

Ярашилганлиги муносабати билан ишни тугатишнинг афзаллиги шундаки, биринчидан, жабрланувчига етказилган зарарнинг тез ва тўлиқ қопланиши таъминланади; иккинчидан, жиноят содир этган шахс жиноий жавобгарликдан озод этилгани учун судланмаган ҳисобланади; учинчидан, айбдорни кечириш орқали улар жазоланмасдан тарбияланади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ярашув институтининг амалда қўлланилиши ўзининг ижобий натижаларини бераётганлигини кўрсатмоқда. Яъни, бу институт инсонпарварлик тамойилининг тобора кенгроқ қўлланиши нуқтаи назаридан жиноят қонунида одиллик тамойилининг ўзига хос кўриниши сифатида намоён бўлмоқда. Чунки, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларни содир қилган шахс айбига иқрор бўлиб, жабрланувчи билан ярашиш ва етказилган зарарни бартараф этиш имконига эга бўлса, бу қилмишлар жиноят ҳисобланса-да, аммо унинг оқибатлари юқоридаги сабабларга кўра бартараф қилиниши жамиятдан ажратмасдан тарбиялашни тақозо қилиши инсон ҳуқуқларига риоя қилишнинг юқори босқичларига эришилганлигидан далолат беради.

Бундан ташқари Жиноят кодексига киритилган ўзгартишлар ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти қуриш йўлида амалга оширилаётган жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш талабларига тўла мос келади ҳамда Ўзбекистонда инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

**Нодир МУХТОРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими**

# ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ ҲАМКОРЛИК

**Республикамизда ривожланган хорижий мамлакатлар билан ҳуқуқий ҳамкорлик тобора ривожланиб бормоқда. Бундай халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик жараёнида ривожланган хорижий мамлакатларнинг суд-ҳуқуқ тизими тажрибасини ўрганиш ҳуқуқийислоҳотларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, бундай ҳуқуқий ҳамкорлик Германия давлати суд-ҳуқуқ тизими вакиллари билан яқиндан ўрнатилган бўлиб, жорий йилнинг 5-12 март кунлари Германия Федерал Адлия вазирлигига қарашли ҳуқуқ соҳасидаги халқаро ҳамкорлик жамғармаси таклифига кўра Бош прокурор ўринбосари Х.Халимов бошчилигидаги мамлакатимиз Бош прокуратураси делегацияси Германияда бўлиб қайтди.**

Германияга ташриф давомида Кёльн Бош прокуратураси раҳбарияти ва ходимлари иштирокида Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ҳамда мамлакатимизда «Хабеас корпус» институтининг жорий этилиши жараёнларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Ушбу давра суҳбатида Германия вакилларига Республикамизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари, жазо тизимини либераллаштириш ҳамда жиноят процессида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга доир олиб борилаётган ишлар ҳақида фикрлашилди.

Давра суҳбати давомида Республикамизда жазо тайинлашда аёлларга, кекса ёшдаги эркакларга нисбатан имтиёз белгиланганлиги, жиноятларни тергов қилиш бўйича қатъий муддат белгиланганлиги ва шу каби бир қатор миллий қонунчилигимизнинг ижобий томонлари уларда катта таассурот қолдирди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида аёлларнинг ҳам хизмат қилиши ҳар икки давлат вакилларини қизиқтирди. Ушбу давра суҳбатида «Уюшган жиноятчиликка қарши кураш» мавзусида маъруза билан иштирок этган Кёльн шаҳар Бош прокуратурасининг прокурори Т.Бюллес ўз сўзини Ўзбекистон Республикаси делегацияси аъзолари қаторида аёл кишининг ҳам ташриф буюриши бу Ўзбекистон Республикасида ҳам аёлларнинг давлат ва жамоат ишларида ҳамда Шарқ ҳуқуқ тизимида фаолият юритишлари учун кенг имкониятлар яратилганлигидан далолат бериши ҳақидаги фикрлари билан бошлаб, Кёльн Федерал прокуратурасининг уюшган жиноятчиликка қарши кураш тизимида ҳам жами 9 киши фаолият юритиб, шундан 5 киши аёлларни ташкил этиши, сўнгги йилларда Германия ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимида аёллар сонининг ортиб бораётганлиги ҳақидаги фикрлари билан давом эттирди.

Учрашув якунида Германия ва Ўзбекистон давлати вакиллари келгусида нафақат суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш борасида, балки бошқа соҳаларни ривожлантириш юзасидан ҳам ҳамкорликни такомиллаштиришга аҳдлашдилар.

Ушбу ҳамкорликнинг давоми сифатида Германия Адлия вазирлигининг Ҳуқуқ соҳасида халқаро ҳамкорлик фондининг (ФМСОП) мурожаатига асосан 2009 йил 17 апрелида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курсларида (ОЎК) Бош прокуратуранинг вакиллари, ОЎК профессор-ўқитувчилари ва тингловчилари иштирокида Германия делегацияси билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда Германия томонидан Фонднинг лойиҳа раҳбари Кристиан Хук, Адлия вазирлиги департаменти раҳбари Дороти Векерлинг-Вильгельм, Адлия вазирлигининг Парламент ва Вазирлар Маҳкамаси билан ишлаш департаменти вакили Себастьян Жекел, шунингдек, расмий таржимонлар Молия вазирлигидан Генрих Шредер, Адлия вазирлигидан Ирина Зинке, Фонднинг Ўзбекистондаги вакили Д.Асателлаева, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги вакили Д.Аҳмедов иштирок этдилар. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари Х.Халимов, ОЎК бошлиғи Т.Умаров, Бош прокуратура бўлим бошлиғи ўринбосари Б.Жониқулов, ОЎК бошлиғи ўринбосари Ф.Шодмонов, кафедра бошлиқлари Ф.Раҳимов, М.Аминжонова ва «Huquq» газетаси ходими Йўлдош Парда иштирок этишди.

Республика Бош прокурори ўринбосари Х.Халимов германиялик мутахассисларни Ўзбекистонга ташрифи билан қутлаб, Германия делегацияси аъзоларини мамлакатда бўлиш ва бу ерда мустақиллик йилларида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари билан, шунингдек, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар билан танишишларига ва бу тадбирларни ўзаро самарали бўлиши учун имкониятлар яратилганлигини билдириб ўтди.

Шунингдек, учрашувда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Германиянинг ушбу фонди билан ҳамкорлик қилишни давом эттириш ва уларни ривожлантириш бўйича бир қатор таклифларни, хусусан:

— Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ходимларининг малакасини ошириш машғулотларига Германия давлатидан экспертларни таклиф этиш;

— ОЎК кутубхонасини Европа Иттифоқи мамлакатларининг қонунчилигига оид адабиётлар, дарсликлар ва мультимедиа материаллари билан бойитишда ҳамкорлик қилиш;

— Германиянинг Нордрейн-Вестфален ўлкасида прокурор-тергов ходимларининг малакасини ошириш бўйича фаолият кўрсатадиган Адлия академиясида прокуратура ходимлари ва ОЎК профессор-ўқитувчиларининг малакасини ошириш масалаларида ҳамкорлик қилиш;

— Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга оид давра суҳбатлари, семинарлар ва конференцияларни биргаликда ташкил этиш;

— Германиялик экспертлар, мутахассислар ва олимларни Ўзбекистонга таклиф этиб ОЎК профессор-ўқитувчиларини замонавий педагогик ва илмий усуллардан фойдаланиб прокурор-тергов ходимларининг касбий кўникмаларини такомиллаштиришга кўмаклашиш таклиф этилди.

Шу ўринда, Германия делегацияси аъзолари ҳам ушбу таклифларни маъқуллаб, шунингдек, ҳамкорлик йўналишларини ёзма ахборот алмашиш йўли билан аниқлаштириш юзасидан фикрлар билдиришди.

Шундан сўнг, Германия делегацияси аъзолари Бош прокуратуранинг ОЎК раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш курси тингловчилари билан учрашдилар. Тингловчилар билан ўтказилган давра суҳбати қарийб икки соат давом этиб, бу учрашувда германиялик мутахассислар Федератив тузилишидаги давлатнинг прокуратураси ва суд-ҳуқуқ тизими хусусида батафсил ахборот бердилар ва тингловчиларнинг қизиқтирган саволларига жавоб беришди.

Ҳар иккала учрашув самимийлик ва ўзаро ҳурмат руҳида ўтиб, томонлар учун фойдали бўлганлиги эътироф этилди.

**Матлуба АМИНЖОНОВА,**
**Бош прокуратура Олий ўқув курслари кафедра мудири**

## ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТ ТАДБИРЛАРИ

Адлия вазирлиги ташаббуси билан фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини янада юксалтириш, олис қишлоқлардаги ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида тузилган ҳуқуқий тарғибот гуруҳининг тадбирлари давом этмоқда. Мазкур тадбирларнинг навбатдагиси Навоий вилоятининг Зарафшон шаҳри ва Нурота туманларида ҳамда Бухоро вилоятининг Галаосиё ва Ромитан туманларида ташкил этилди.

Тадбирлардан кўзланган асосий мақсад мактаб, лицей, коллеж ўқувчи ва талабаларининг Конституцияга оид билимларини мустаҳкамлаш, қонунларга ҳурмат туйғуларини тарбиялаш, эркин фикрлаш қобилияти ва нутқ маданиятини ўстириш, ижтимоий фаоллигини оширишдан иборатдир.

Тадбирда «Конституция — инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолати», «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози моҳияти», «Ёшлар онгида солиқ маданиятини янада юксалтириш», «Давлат бошқаруви органлари тизими», «Одам савдоси — трансмиллий жиноят», «Инсон ҳуқуқлари — олий қадрият» мавзуларида баҳс-мунозаралар ташкил этилди.

Ёшларнинг давлат бошқаруви тизими, суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, яқинлашаётган Олий Мажлисга сайлов, иқтисодий қонунчилик, хусусан, 2009 йилда солиқ тизимига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар юзасидан берилган саволларига батафсил жавоб қайтарилди. Ушбу тадбирларга 2500 дан зиёд ёшлар жалб қилинди. Уларга Адлия вазирлиги ҳамда вилоят адлия бошқармасининг буклетлари, турли ҳуқуқий адабиётлари тарқатилди.

Бундан ташқари, мактаб, лицей ва коллежларда ҳуқуқ йўналишидаги дарсларни янада такомиллаштириш, ўқитувчиларнинг замонавий дарс усулларидан фойдаланиш юзасидан вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими ҳамда халқ таълими бошқармалари масъулларига тавсиялар берилди. Тадбир сўнгида «Ҳуқуқ билимдонлари» аниқланиб, уларга фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари топширилди.

**Адлия вазирлиги**
**Ахборот хизмати**



## САОДАТГА ЙЎҒРИЛГАН УМР

**Умр оқар дарё мисол шиддат билан ўтиб кетади. Унинг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланган инсон ортда қолган умрига сира афсусланмайди. Бугун 70 ёшни қаршилаётган, умрининг ярим асрдан кўпроғини суд-ҳуқуқ соҳасига бағишлаган инсон — Примқул Мавлоновни ана шундай инсонлардан бири дейиш мумкин.**

У умри давомида ўз олдига қўйган эзгу мақсадларига эришиш йўлида тинмай изланиб, интилиб яшади. Бор кучи, қалб қўрини юртнинг равнақи, эл бахтсаодатига бахшида этди.

32 йилдан ортиқ иш фаолияти давомида Сирдарё ва Тошкент вилоят прокуратураларида туман ва шаҳар прокурорларининг ёрдамчиси, катта ёрдамчиси, прокуратура терговчиси, катта терговчиси, вилоят прокурорининг ёрдамчиси ҳамда бўлим прокурори лавозимларида самарали хизмат қилган Примқул Мавлонов шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди.

Меҳнат фаолияти даврида ишчанлик, изланиш, қонунбузулишларга муросасизлик, фуқароларга нисбатан самимийлик каби фазилатлари билан ҳамкасблари ҳамда жамоатчилик орасида ҳурмат қозонди. Иш тажрибасини ёш ходимлардан аямади, шогирдлар тарбиялади.

Унинг қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашдаги хизмати ва узоқ йиллик меҳнати прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳоланиб, бир неча бор рағбатлантирилган.

Бугунги шодиёна кунда Примқул акани табаррук ёши билан қутлаб, сиҳат-саломатлик, хонадонига тинчлик ва осойишталик, файзу барака тилаб қоламиз.



*Ватан равнақига, унинг гуллаб-яшнашига муносиб ҳисса қўшиш, унга муносиб фарзанд бўлиш улуғ саодатдир. Инсон ўзидан қолдирган эзгу амаллари билан одамлар қалбидан жой эгаллаши эса юксак шарафдир. Инсон бунга ўз касби, ҳалол меҳнати орқали эришади. Ана шундай инсонлардан бири Олим Худойқуловдир. Олим ака эл-юрт дардида ёниб, унинг ҳар бир жабҳасида доимо шай туришни ўз бурчи деб билди.*

## Шарафли касб эгаси

Олим Худойқулов 43 йилдан ортиқ иш фаолияти давомида туман ва шаҳар прокурорларининг ёрдамчиси ҳамда катта ёрдамчиси, Қарши шаҳар прокурорининг ўринбосари, Қамаши туман прокурори, вилоят прокуратурасининг турли лавозимларида хизмат қилиб, шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди.

Қашқадарё вилоятида қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда жонбозлик кўрсатди. Ўзнинг ҳуқуқий-амалий тажрибасини ёш ҳуқуқшунос ходимларни тарбиялашга сафарбар этиб, улар орасида хурмат ва эътибор қозонди.

Прокуратура ходимлари унинг фидокорона меҳнатини, касбга садоқатини ва инсоний фазилатларини яхши билади ва қадрлайди.

Олим Худойқуловнинг узоқ йиллик меҳнати ҳукуматимиз томонидан муносиб баҳоланиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига асосан «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист» фахрий унвони билан мукофотланди. Прокуратура раҳбарияти томонидан ҳам бир неча марта рағбатлантирилди.

Ҳозирда фарзандлари қуршовида кексалик гаштини сураётган пайтда Олим Худойқуловни қутлуғ 75 ёши билан табриклаб, оилавий тотувлик, сиҳат-саломатлик, бахт ва саодат ёр бўлишини тилаб қоламиз.

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Фахрийларни ижтимоий қўллаб-кувватлаш жамоатчилик маркази**

Huquq yuridik gazeta

Ta'sischi: O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir: Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay`ati: Yusupboy G'OIPOV, Bahriddin VALIYEV, Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari), Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK, Sherzodxon QUDRATXO'JAYEV

Tahririyatmanzili: Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40, 233-10-53.
E-mail: huquq97@mail.ru
Faks: 233-64-85, 233-10-53.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Gazeta O`zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2007 yil 22 yanvarda 0188-raqam bilan ro`yxatga olingan.

Nashr ko'rsatkichi – 231
ISSN 2010-7617

Buyurtma Г —455. 25 258 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Sahifalovchi: X.HAMIDOV
Navbatchi muharrir: Y.PARDAEV
Navbatchi: O.DEHQONOV
Musahhih: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta «Sharq» NMAK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 21.00. Topshirildi: 22.30 3 4 5 6 7 8